

ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДА ХИМОЯЛАНИШ ҲУҚУҚИНИ ТАЪМИНЛАШГА ДОИР ХАЛҚАРО ТАЖРИБАЛАР

АБДУҚАХХОРОВ САРВАРБЕК АБДУСАМАТ ЎҒЛИ

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
Жиноят ҳуқуқи кафедраси катта ўқитувчиси*

Аннотация: Мақолада инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилишга доир масалалар таҳлил қилиниб, мазкур соҳага доир илмий асосланган таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: ушланган шахс, гумон қилинувчи, хабар бериш, вояга етмаган, ҳимоячи.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари бўйича 80 дан ортиқ халқаро ҳужжатларга, жумладан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг (кейинги ўринларда — БМТ) 6 та асосий шартномаси ва 4 та факультатив протоколига қўшилган бўлиб, уларнинг амалга оширилиши юзасидан БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши ва шартномавий қўмиталарига мунтазам равишда миллий маърузаларни тақдим этиб келмоқда.

Француз олими М. Анселнинг фикрига кўра, хорижий тажриба юристларга янги ғояларни очишга, ўз давлатининг ҳуқуқ тизимини яхшироқ билишга, бошқа тизимлар билан қиёслаш орқали унинг ўзига хос жиҳатларини аниқлашга имкон беради. Биз ушбу фикрларга қўшиламыз ва ҳимоя ҳуқуқини таъминлаш фаолиятини хорижий давлатлар тажрибаси мисолида таҳлил қилиб, уларни шартли равишда романо-герман ва англо-саксон ҳуқуқ оилаларига бўлиб оламиз.

Биринчи гуруҳга Франция, Германия, Россия ва бошқа МДХ мамлакатлари кирса, иккинчи гуруҳда эса Америка Қўшма Штатлари (АҚШ) ва Англия ўрин олган.

Франция Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 1958 йилда қабул қилинган ва 1959 йилнинг 2 март куни кучга кирган. Шахс жиноят устида ушланса, унда содир этилган жиноятнинг яққол излари топилса шахс ушланади ҳамда унга дарҳол қўйилаётган гумоннинг моҳияти, шунингдек, ҳимоячи сифатида ишга адвокатни жалб қилиш ёки адвокатни давлат томонидан тайинлашни сўраб мурожаат қилиш ҳуқуқи борлиги тушунтирилади.

Жиноят процессининг муҳим элементларидан бири бу томонларнинг кўп жиҳатдан расмий тенглигидир. Амалда эса прокурор ҳимоячига қараганда кўпроқ вазнга эга. Агар айбланувчи ўзини ҳимоя қилиш учун ниманидир талаб қилса, демак у ушбу ҳолатларни исботлаш мажбуриятини олади.

Франция қонунчилигида ҳимоя ҳуқуқини таъминлашнинг ўзига хос

хусусиятларини кўриб чиқиб қуйидаги ижобий хулосаларга келамиз:

- Ўзбекистон қонунчилигидан фарқли жиҳати дастлабки тергов босқичида инсон ҳуқуқларининг қўшимча кафолати бўлиб тергов судьяси мавжудлиги. Мисол учун шахсни ушлашга тергов судьяси ордер беради;

- ишга киришган ҳимоячининг жиноят иши материаллари билан танишишига кенг имкониятлар яратилганлиги. Назаримизда, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги ЖПК бўйича мазкур тартиб, Франция Республикаси қонунчилик ҳолатига кўра қониқарсизроқ. Мисол учун, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги ЖПК 53-моддасида ҳимоячи гумон қилинувчи ёки айбланувчи иштирокида ўтказилган процессуал ҳаракатларга оид ҳужжатлар билан, суриштирув ёки дастлабки тергов тамом бўлганидан кейин эса жиноят ишининг барча материаллари билан танишиш ҳуқуқига эга эканлиги кўрсатилган. Бу шуни англатадики, дастлабки тергов даврида, жумладан, қамоққа олиш масаласи кўрилаётганда ҳам ҳимоячи иш материаллари билан тўлиқ танишмаган бўлади. Барчага маълумки, қамоққа олиш – энг оғир эҳтиёт чораси бўлиб, фуқаронинг энг асосий ҳуқуқларидан бири – шахсий эркинлик ва дахлсизлик ҳуқуқларини жиддий равишда чеклайди. Шунинг учун ҳам, мазкур процессуал мажбурлов чорасини қўллашга суд ажрими талаб этилади ҳамда қисқа бўлсада суд мажлиси ўтказилади. Бундан кўзланган асосий мақсад ушлаб турилган гумон қилинувчининг ёхуд айбланувчининг конституциявий ҳуқуқини қонуний ва асосли чеклаш ёхуд чекламаслик масаласини тўғри ҳал қилишдир. Суд мазкур натижага прокурорнинг айблов далилларинигина эмас, балки ҳимоячининг ҳам келтирган маълумотларини ҳар томонлама текшириш йўли билангина эришади. Бунинг учун эса, ҳимоячи, жиноят иши материаллари билан олдиндан таниш бўлган ҳолда, судга терговчининг тўплаган далиллари номақбул эканлигини ёхуд айбланувчининг ҳамда у томонидан содир этилган жиноятнинг қўлланилаётган қомақ эҳтиёт чорасига мувофиқ эмаслигини исботловчи ҳимоя нутқи билан келиши лозим.

Суд-тергов амалиётига эътибор қиладиган бўлсак, ҳимоячига барча жиноят иши материаллари танишиш учун такдим этилмайди (ЖПКнинг 53-моддасида кўрсатилган ҳолатлардан ташқари). Шунингдек, қонунчилик бўйича жиноят ишига янги кирган ҳимоячига ҳимоя нутқини тайёрлаш учун Франция Республикаси сингари аниқ муддат берилмаган.

Ҳимоячининг жиноят иши материаллари билан танишишига доир олимлар орасида турли хил қарашлар мавжуд. Мисол учун, И.Я. Фойницкий: “айбловчи далилларни етарлича тўпламасдан туриб, юридик билимга эга бегона шахс (яъни ҳимоячининг) иштироки ҳимоя тарафининг айбловдан устунлигига олиб келиши ва яширин чораларни сусайтириш мумкинлиги билан одил судлов манфаатлари учун хавфли ҳисобланади”, деган фикрни билдиради.

А. Антонов ҳимоячининг жиноят иши материаллари билан танишиши нафақат унинг ҳуқуқи, балки мажбурияти бўлиши лозимлигини таъкидлайди.

С.А. Яковлева, С.Н. Криворотов ҳимоячининг айбланувчи билан биргаликда жиноят иши материаллари билан танишиши ҳимоя функциясинини самарали амалга оширилишига хизмат қилишини айтиб ўтган.

Д.М. Чориева ЖПК 53-моддасига ҳимоячи жиноят иши ва терговга қадар текширув материаллари билан жиноят процессининг ҳар қандай босқичида танишиши ҳуқуқини берувчи қоида киритиш лозимлигини асослаган.

Г.З. Тўлаганова, С.Р. Базаров қуйидагича фикр билдиради: **“Ҳимоячининг ўзи ҳам айбланувчи билан бирга тергов материаллари билан танишиб чиқишда манфаатдор, бу эса унга берилган барча материаллар билан танишиб чиқмасдан туриб, иш бўйича тўпланган далилларнинг ҳажмини тўғри баҳолаш, эълон қилинган айбнинг бутун моҳиятини тушуниш ва айбланувчининг қонуний манфаатлари ва ҳимоя ҳуқуқини таъминлаш бироз мушкул”.**

Биз юқоридаги ҳимоячининг жиноят иши материаллари билан танишиши лозимлигига доир фикрларга қўшилган ҳолда ҳимоячи жиноят иши материаллари билан қамоққа олиш эҳтиёт чораси қўлланилишидан олдин тўлиқ танишиб, заруратига қараб маълум вақт оралиғида ҳимояга тайёргарлик кўриши, шахснинг ҳуқуқларини янада самарали амалга оширилишига олиб келишини таъкидлаймиз. Чунки, ҳозирги қонунчилик бўйича қамоққа олишга доир ишлар кўриляётганда ҳимоячи ўз миждасини фаол ҳимоя қила олмайди. Шунинг учун ҳам, жуда кўп жиноятларда суд терговчининг қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимосномасини қаноатлантиради. Бу эса аксарият ҳолатларда айби йўқ бўлган шахсларга ноўрин қамоқ эҳтиёт чораси қўллашга сабаб бўлади. Наманган вилояти Чуст туманида бўлиб ўтган воқеага нисбатан чиққан суд ҳукми натижалари бизнинг фикримизни тасдиқлайди.

Қамоққа олиш ҳақида гап кетганда шунини айтиш жоизки, қамоққа олиш масаласи кўриляётган суд жараёнида тўпланган далиллар келгусида мазкур иш бўйича деярли фойдаланилмайди. Мисол учун, юқорида айтганимиздек, айбланувчига нисбатан қамоқ эҳтиёт чорасини қўллаш учун суд қисқа бўлсада мажлис ўтказилади. Яъни, ушлаб турилган гумон қилинувчини ёки айбланувчини сўроқ қилади. Шунингдек, прокурор ва ҳимоячининг нутқларини эшитади ҳамда шуларга асосан ажрим чиқаради. Сўнгра суд мажлис натижалари бўйича баённома тузади. Лекин мазкур баённома дастлабки терговга берилмайди. Яъни суднинг ўзида сақланади. Барчага маълумки, амалдаги ЖПКнинг 87, 90-моддаларига мувофиқ суд мажлиси баённомаси муҳим далилий кучга эга. Назаримизда, суд мажлиси ўтказилиб, баённома тузилгандан кейин уни дастлабки терговга тақдим этиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, суд жараёнида

айбланувчи ўзини оқлаш учун турли хил важлар келтириши мумкин. Терговчи мазкур важларни ҳам алоҳида эътибор асосида тўлиқроқ текшириши келгусида ҳақиқатни аниқлаш принципига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатиши мумкин.

Германия Федератив Республикаси қонунчилиги тарафларнинг тортишув тамойилини ўзида акс эттирмаган бўлса-да, лекин исботлаш жараёнида тарафларга тергов ҳаракатларини бошлаш учун тенг имкониятлар яратиб берган. Шахсни ушлаш Франция Республикаси сингари суднинг ёзма ордери билан амалга оширилади. Шахс ушланганда унга ордер нусхаси топширилади. Агар у немис тилини етарли даражада билмаса ўзи биладиган тилда нима сабабдан ушланганлиги, қандай жиноят содир этишда гумон қилинаётганлиги тушунтирилади. Кейинчалик эса ушланган шахс биладиган тилга суднинг ордери таржима қилиб топширилади. Ушланган шахсга дарҳол ва ёзма шаклда унинг ҳуқуқлари ўзи биладиган тилда тушунтирилади. Агар унинг ёзма билими етарли даражада ривожланмаган бўлса, унинг ҳуқуқи ўқиб эшиттирилади. Шунингдек, ушланган шахс келгуси кундан кечиктирмасдан судга олиб борилади ва унинг келгусида ҳам ушлаб туриш мақсадга мувофиқлиги масаласи ҳал қилинади. Суддан олдин унинг гумон бўйича сўзга чиқиш, шунингдек кўрсатма бермаслик, ўзи танлаган шифокор кўригидан ўтишни талаб қилиш, ҳимоячига эга бўлиш, агар унинг ҳимоячиси бўлмаса назорат остида далилларни кўриш каби ҳуқуқлари тушунтирилади. Айбланувчи оғир жиноят содир этадиган бўлса, у ҳимоячидан воз кечса ҳам мажбурий тартибда суд томонидан тайинланиши мумкин.

Миллий қонунчилик билан қиёслайдиган бўлсак, қуйидаги фарқли жиҳатларни кўришимиз мумкин:

- ушланган шахснинг ҳуқуқларини ёзма тарзда тушунтирилиши;
- ҳимоячи ўзи иштирок этган тергов ҳаракатлари борасида гувоҳ сифатида сўроқ қилинишининг мумкинлиги;
- ушланган шахс тиббий кўрикдан ўтиш учун шифокор танлаш имконининг мавжудлиги;
- полиция томонидан тўпланган маълумотлар тўғрилигини, ҳимоя ва айблов томонлар иштирокида ўтказиладиган процессуал талабларни мажбурий бажариш йўли билан текширилиши.

Биз ушланган шахснинг ҳуқуқларини ёзма тарзда тушунтириш тажрибасига ижобий қараймиз. Амалдаги ЖПК 46, 48-моддаларига эътибор қиладиган бўлсак, гумон қилинувчи, айбланувчини 25 дан ортиқ ҳуқуқ-мажбуриятлари мавжуд. Назаримизда, юридик соҳада олий маълумотга эга бўлган шахс ҳам бир эшитишда шунча ҳуқуқ-мажбуриятларни эсда сақлай олмайди. Шунинг учун ҳам, ушланган шахс, шунингдек, тергов ҳаракатлари ўтказиладиган гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчига ўз ҳуқуқ-

мажбуриятларини ёзма шаклда таништирилиши орқали уни юқоридаги моддаларда кўрсатилган ҳуқуқларини янада самарали ишлашига эришиш мумкин. Чунки, ҳуқуқ-мажбуриятлар ёзма шаклда тақдим этилса, гумон қилинувчи ўзи тушунмаган жойни шошилмасдан қайта ўқиш, мазкур ҳуқуқларни оддий тилда терговчидан тушунтириб беришни талаб қилиш, ўзлари хоҳлаган вақтда ҳуқуқлари билан қайта таниши каби имкониятларга эга бўлади. Шунингдек, терговчининг битта моддада кўрсатилган ҳуқуқни гумон қилинувчи, айбланувчига қайта-қайта тушунтириш мажбуриятдан озод этади. Мисол учун, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги ЖПКда терговчи ҳар бир тергов ҳаракатидан олдин процесс иштирокчиларига уларнинг ЖПКда кўрсатилган ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириши лозимлиги белгиланган. Лекин, бир кунда сўроқ қилиш, унинг ортидан юзлаштириш, таниб олиш учун кўрсатиш, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, гувоҳлантириш, эксперимент тергов ҳаракатлари ўтказилса, ҳар бир тергов ҳаракати олдидан битта шахсга бир хил ҳуқуқ-мажбуриятларни қайта-қайта тушунтириш, назаримизда, мақсадга мувофиқ эмас. Шунинг учун ҳам, бир кунда ўтказиладиган тергов ҳаракатларининг биринчисини бошлашдан олдин процесс иштирокчиси ҳуқуқ ва мажбуриятини оғзаки шаклда тушунтириш, шу билан биргаликда, унга ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг ёзма шаклдаги нусхасини ҳам тақдим этиш лозим. Мазкур тартиб, шунингдек, гумон қилинувчи, айбланувчига ўзларининг таъминланмаётган ҳуқуқларини суриштирувчи, терговчидан талаб қилиб олиш имкониятини кенгайтиради. Чунки, Б.А. Саидов таъкидлаганидек, аксарият ҳолларда гумон қилинувчининг ЖПК 48-моддасида белгиланган, ушлаб турилганлиги ва турган жойи тўғрисида адвокатга ёки яқин қариндошига телефон орқали кўнғироқ қилиш ёхуд хабар бериш, шунингдек ўзига нисбатан қўйилган гумон хусусида ҳамда ишнинг бошқа ҳар қандай ҳолатлари тўғрисида кўрсатувлар бериш ёхуд кўрсатувлар беришдан бош тортиш ва кўрсатувларидан жиноят ишига доир далиллар сифатида унинг ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлиги ҳақида хабардор бўлиш ҳуқуқи поймол этилмоқда.

Гумон қилинувчининг ҳуқуқ-мажбуриятлари ёзма тарзда тушунтириш тажрибаси **Германия Федератив Республикаси**дан ташқари **Беларусь Республикаси** (ЖПК 41-модда), **Молдова Республикаси** (ЖПК 167-модда), **Арманистон Республикаси** (ЖПК 63-модда), **Эстония Республикаси** (ЖПК 35¹-модда) сингари кўплаб давлатларда мавжуд.

Юқоридагиларга асосланиб амалдаги ЖПК 48-моддасининг биринчи қисмини «у амалда ушланган ёки жиноят жойида ушлаш билан боғлиқ тезкор-қидирув тадбири амалда яқунланган ёхуд унинг гумон қилинувчи деб эътироф этилганлиги тўғрисидаги қарор унга маълум қилинган пайтдан бошлаб ҳимоячига эга бўлиш ҳамда учрашувларнинг сони ва давом этиш вақти

чекланмаган ҳолда у билан холи учрашиш» деган сўзлардан кейин «шунингдек, мазкур кодексда белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида ёзма хабардор бўлиш» деган сўзлар билан тўлдириш;

- амалдаги ЖПК 224-моддасининг биринчи қисми бешинчи бандини «Сўнгра ушлашни амалга оширган ваколатли шахс юқоридаги ҳуқуқларнинг ёзма рўйхатини ушланган шахсга тақдим этади» деган янги гап билан тўлдириш лозим.

Озарбайжон Республикаси қонунчилигини миллий қонунчилигимиз билан солиштирадиган бўлсак, Озарбайжон Республикасида ушланган шахс, нафақат, ҳимоячи билан, балки қонуний вакил билан ҳам якка тартибда ҳамда махфийлик шароитларига амал қилган ҳолда учрашиш ҳуқуқига эга эканлигини кўрамыз. Шунингдек, ушланган вояга етмаганларга, аёлларга, қарияларга, ногиронларга алоҳида эътибор қаратилиши лозимлиги кодекс даражасида белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 230-моддада ушлаб турилган шахсга қариндошлари ва бошқа шахслар билан учрашувга ушлаб турилган шахслар сақланадиган жойнинг маъмурияти ушлаб туриш тўғрисидаги материаллар қайси терговчи ёки суриштирувчининг иш юритишда бўлса, фақат ўша терговчи ёки суриштирувчининг ёзма рухсати асосида ижозат берилиши кўрсатилган. Юқоридаги қоидадан терговга қадар текширув даври, шунингдек шахснинг ёши инобатга олинмаганлигини кўриш мумкин. Яъни, шахс вояга етмаган ёхуд етган бўлса ҳам, унинг қариндошлари билан учрашиш масаласини ишни юритаётган суриштирувчи, терговчи ҳал қилади. Терговга қадар текширув даврида шахс ушланганда эса, унинг қариндошлари билан учрашишга умуман рухсат берилмайди. Фикримизча, мазкур моддадаги тартибни қўллашда шахснинг ёши ва терговга қадар текширув даври ҳам инобатга олиниши лозим. Мисол учун, ушлаб турилган вояга етмаган шахсни олайлик. Мазкур ҳолатда унга, нафақат, ҳуқуқий ёрдам, балки руҳий кўмак ҳам зарур. Ушлаб туриш муддати жиноят иши қўзғатилишидан олдин 24 соат, қўзғатилгандан кейин эса 48 соатни ташкил этади. Ушбу вақт оралиғида вояга етмаган шахсни унинг ота-онаси ёки бошқа қариндошлари билан учраштирмаслик, мазкур субъектнинг руҳан азобланишига, кўрсатув беришдан асоссиз бош тортишига, жиноятларни тез ва тўла очилишига, жиноятнинг сабаб ҳамда шарт-шароитлари батафсил аниқланмаслигига олиб келиши мумкин. Олдинги параграфларда айтиб ўтганимиздек, Фарғона, Тошкент, Наманган ва Бухоро вилоятларида умумий жиноятчиликнинг 65,2 % вояга етмаган ёшлар томонидан содир этганлигини инобатга олсак, мазкур масала қанчалик долзарблиги ойдинлашади. Шунингдек, **Украина**да ҳам мазкур тажриба қўлланилади. Украина Республикаси ЖПК 12-моддасига мувофиқ шахс ушлангандан сўнг ҳимоячи билан учрашиш ҳуқуқига

эга. Агар шахс вояга етмаган ёки муомала лаёқати чекланган бўлса, қонуний вакил билан у ушланган заҳоти давом этиш вақти чекланмаган ҳолда учрашиш ҳуқуқига эга (ҳатто байрам ва дам олиш кунларида ҳам).

О.Д. Алланазаров ЖПК 549-моддаси иккинчи қисмидаги “қонуний вакилнинг ишда иштирок этишига суриштирувчи ёки терговчининг қарори бўйича вояга етмаган шахсни гумон қилинувчи ёки айбланувчи тариқасида биринчи сўроқ қилиш пайтидан бошлаб йўл қўйилади” деган жумла “қонуний вакил терговга қадар текширув давридан бошлаб қатнашади” деган жумлага ўзгартиришни таклиф қилган. Лекин, мазкур олим, қонуний вакилни вояга етмаган гумон қилинувчи билан учрашиш тартиби ҳақида фикр билдирмаган.

Юқоридагиларга асосланиб амалдаги ЖПК 230-моддасини қуйидаги тартибда баён этишни таклиф қиламиз.

Ушлаб турилган шахсга ҳимоячи *ва қонуний вакил* билан учрашувга ушбу Кодекс 46-моддасининг биринчи қисмида ва 48-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган қоидаларга кўра рухсат берилади.

Ушлаб турилган шахсга ҳимоячи *ва қонуний вакил* билан биринчи холи учрашувга биринчи сўроққача рухсат берилади. Қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси танланаётган ушлаб турилган шахснинг ҳимоячи *ва қонуний вакил* билан учрашувига ушбу Кодекс 226-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган эҳтиёт чораси қўлланилиши лозим бўлган, муддатлар инобатга олинган ҳолда рухсат берилади ҳамда учрашув суриштирувчи, терговчи ва прокурор томонидан икки соатга қадар чекланиши мумкин.

Шунингдек, мазкур таклиф асосида ЖПКнинг 46, 48, 224-моддаларига тегишли ўзгартиришлар киритиш лозимлигини эътироф этамиз.

Беларуссия Республикасида (ЖПК 10-модда) ҳам Озарбайжон Республикаси сингари шахс, нафақат ўзига, балки, оила аъзолари, шунингдек, яқин қариндошларига қарши кўрсатма бермаслик ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган. Шахс ушлангандан сўнг яқин қариндошларига 12 соат ичида хабар берилиши лозим. Ушлаб турилган шахснинг ҳуқуқларини айнан ушлаб келтирган шахс томонидан таъминланади. Суриштирувчи, терговчи, прокурор ХМҚОга ушлаб келтирилган вақтдан бошлаб 3 соат ичида ушлаб туришнинг қонунийлигини текшириб, ушлаб туриш тўғрисида қарор чиқариши ёки шахсни озод қилиши лозим.

Қиёслайдиган бўлсак, Беларусь Республикасида шахснинг яқин қариндошларига хабар бериш мажбурияти ушлашни амалга оширган шахс ва ишини юритишга масъул бўлган мансабдор шахс зиммасига юклатилган. Биз мазкур қоидада аниқликни кўришимиз мумкин. Лекин, назаримизда ушланган шахснинг яқинларига хабар бериш мажбурияти борасида Ўзбекистон Республикаси ЖПКда чалкашлик мавжуд. Мисол учун амалдаги ЖПК 217-

моддасида суриштирувчи, терговчи, прокурор ушлаб турилган гумон қилинувчи, айбланувчининг оила аъзоларига қўлланилган процессуал мажбурлов чораси тўғрисида маълум қилиши шарт эканлиги белгиланган. Барчамизга маълумки, жиноят ишини қўзғатишдан олдин ушлаб туришни, асосан, терговга қадар текширув органининг мансабдор шахси амалга оширади. Шунингдек, мазкур вақтда ушланган шахс гумон қилинувчи ҳам, айбланувчи ҳам деб аталмайди. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, терговга қадар текширув даврида ким томонидан ушлаб турилган шахсни яқинларига хабар бериш масаласи қонун чиқарувчи эътиборидан четда қолган. Бизнинг фикримизча, ушлаб туриш баённомасини тузган шахс ушланган фуқаронинг яқин қариндошларига хабар бериши энг мақбул йўл ҳисобланади. Агар биз мазкур мажбуриятни Беларусь Республикаси сингари ушлашни амалга оширган шахсга юклайдиган бўлсак, муаммо ечилиб қолмайди. Чунки, бизнинг қонунчилигимиз бўйича нафақат ХМҚО вакиллари, балки амалдаги ЖПКнинг 222-моддасига мувофиқ оддий фуқаро ҳам амалга ошира олади. Мазкур масалада, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев қуйидаги фикрни билдириб ўтади: “Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари томонидан ушланган шахс махсус бинога олиб келинганидан кейин бу ҳақда унинг оила аъзолари дарҳол хабардор қилиниши керак. Буни суриштирувчи, терговчи ва бошқа ваколатли шахснинг мажбурияти сифатида қонунда аниқ белгилаб қўйишни таклиф этаман”.

Юқоридагиларни умумлаштириб, амалдаги ЖПК 217-моддаси биринчи қисмини *«Суриштирувчи, терговчи, прокурор»* деган сўзлардан кейин *«ушлаб туриш баённомасини тузган мансабдор шахс»* деган сўзлар билан тўлдириш таклифни илгари сурамиз. Мазкур таклиф орқали биз ЖПКда аниқликка эришамиз. Яъни, шахс жиноят иши қўзғатилишидан олдин ушланадиган бўлса ушлаб туриш баённомасини тузган мансабдор шахс, жиноят иши қўзғатилганидан кейин ушланадиган бўлса, ушлаб туриш тўғрисида қарор чиқарган суриштирувчи, терговчи, прокурор унинг яқин қариндошларига хабар беради. Юқоридаги таклиф орқали биз, ушланган шахснинг бошқа ҳуқуқларини ҳам самаралироқ таъминланишига эришишимиз мумкин. Мисол учун, амалдаги ЖПК 50-моддаси талаби бўйича ҳимоячи, нафақат, шахснинг ўзи, балки яқин қариндошлари томонидан ҳам таклиф этилиши мумкин. Агар яқин қариндошларга шахс ушланганлиги тўғрисида хабар берсак, улар ўзлари билган адвокатни жиноят ишига жалб этади. Бу эса давлат ҳисобидан тайинлов тартибида иштирок этадиган, баъзи “чўнтак адвокатлари” жиноят процессида иштироки қисқаришига олиб келади.

Украина Республикаси ЖПК бўйича жиноят содир этишда гумон қилиниб ушланган ёхуд бошқача тарзда озодликдан маҳрум қилинган ҳар бир шахс уни ушлаб туришнинг қонунийлиги ҳамда асослилиги тўғрисидаги

масалани ҳал қилиш учун имкон қадар тезроқ тергов судьяси ҳузурига келтирилиши лозим. Чунки, Украинада шахсинг Конституцияда мустақамланган ҳуқуқларига доир чоралар кўришда суд ҳал қилувчи роль ўйнайди. Вояга етмаган фуқарони ушлаган мансабдор шахс бу ҳақида унинг айнан ота-онасига, ҳомийсига ҳамда васийсига хабар бериши шарт. Айрим ҳолатлардан ташқари, шахсни ушлаш учун тергов судьясининг қарори талаб этилади.

Ўзбекистон қонунчилиги билан қиёслайдиган бўлсак, терговга қадар текширувни амалга оширувчи ҳар бир органда ушлаб туриш учун масъул бўлган мансабдор шахс лавозими ташкил этилиши лозимлиги белгиланган (212-модда). Мазкур лавозимга терговчи тайинланиши мумкин эмас. Юқоридаги мансабдор шахс қуйидаги мажбуриятларга эга:

- дарҳол ушлаб туриш баённомасини тузиш;
- ушлаб турилган шахсга нимада гумон қилиниб ушланганлигини, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш;
- ушланган шахс иштирокида амалга оширилган барча процессуал ҳаракатларни, шу жумладан, уларнинг бошланиш ва тугаш вақтини, шунингдек, бундай ҳаракатларни амалга оширган ёки бундай ҳаракатлар пайтида ҳозир бўлган шахсларни қайд етиш.

Биз мазкур тажрибани, ижобий баҳолаймиз. Чунки, амалдаги қонунчилигимиз бўйича ушланган шахсинг ЖПК 224-моддасида белгиланган ҳуқуқларини айнан қайси мансабдор шахс томонидан тушунтирилиши белгиланган бўлсада, лекин мазкур ҳуқуқларни ким томонидан таъминланиши қонунчиликда тартибга солинмаган. Мисол учун, амалдаги ЖПКнинг 224-моддасига мувофиқ ушланган шахсинг адвокатга ёки яқин қариндошига телефон қилиш ёки хабар бериш, ҳимоячига эга бўлиш ҳуқуқлари мавжуд. Ушбу ҳуқуқлар, шахс ушланганда мазкур процессуал мажбурлов чорасини амалга оширган мансабдор шахс томонидан тушунтирилиши қонунчиликда кўрсатилган. Лекин, амалдаги ЖПКда қайси мансабдор шахс яқин қариндошларига телефон қилиш имкониятини яратиб, телефон сўзлашувларидан фойдаланганлиги тўғрисида баённома тузиши кераклиги, ушланган шахсинг ҳимоячи билан холи учрашишини ким ташкиллаштириб бериши лозимлиги аниқ кўрсатилмаган. Бу эса шахсинг ҳуқуқларини таъминлашда ўзибўларчиликка олиб келиши, алалоқибатда эса, ҳимояланиш ҳуқуқининг бузилишига сабаб бўлиши мумкин. Назаримизда, мазкур мажбуриятни ҳам ушлаб туриш баённомасини тузган мансабдор шахсга юклашимиз энг тўғри йўлдир. Бунда худди юқоридаги қоида сингари жиноят иши кўзғатилишидан олдин шахс ушланадиган бўлса, ушлаб туриш баённомасини тузган мансабдор шахс, жиноят иши кўзғатилганидан кейин

ушланадиган бўлса, суриштирувчи, терговчи, прокурор ушланган шахснинг ЖПК 224-моддасида кўрсатилган ҳуқуқларини тўлиқ таъминланишига жавобгар бўлиши лозим.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиниши, жиноят ишларини юритиш жараёнида шахс ҳуқуқларини янада самарали таъминланишига, шунингдек ишни судга қадар юритиш босқичида томонларнинг тортишувига ўзининг ижобий самарасини кўрсатади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 июнь «Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги 6012-сон Фармони. // URL: <https://lex.uz/docs/4872355>. // (мурожаат вақти: 10.01.2024).
2. Мирзиёев Ш.М. Конституция ва қонун устуворлиги – ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезонидир // URL: https://nrm.uz/contentf?doc=608132_prezident_shavkat_mirziyevning_o'zbekiston_respublikasi_konstituciyasi_qabul_qilinganini_ng_27_yilligiga_bag'ishlangan_tantanali_marosimdagi_maruzasi (мурожаат вақти: 08.08.2024).
3. Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакти // <https://lex.uz/docs/2640479> (мурожаат вақти: 06.02.2024).
4. Юлдашев Дж.Х. Ўзбекистон республикаси фуқаролигини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш: Юрид.фан. д-ри. (DSc) дисс. – Т., 2022 й. – Б.130.
5. Ботаев М.Дж. Терговга қадар текширув институтини такомиллаштириш: Юрид.фан.бўйича фал-а д-ри (PhD) дисс. Автореферати – Т., 2020. – Б. 93.
6. Французский УПК 1958 // URL: <https://constitutionallaw.ru/?p=951> (мурожаат вақти: 13.02.2022).
7. Саидов Б.А. Ишни судга қадар юритишда шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни такомиллаштириш: Юрид.фан. д-ри. (DSc) дисс. – Т., 2020. – Б.98.; Раҳманкулов А.Х. Дастлабки тергов: дарслик / А.Х. Раҳманкулов, Д.М. Миразов. – Тошкент: ИИВ Академияси, 2012. – Б. 409.
8. Яковлева С.А., Криворотов С.Н. Вопросы квалифицированной защиты на этапе ознакомления обвиняемого и его защитника с материалами уголовного дела // URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/voprosy-kvalifitsirovannoy-zaschity-na-etape-oznakomleniya-obvinyаемого-i-ego-zaschitnika-s-materialami-ugolovno-go-dela> (мурожаат вақти: 20.02.2024).
9. Антонов А. Рекомендации для адвокатов о продолжительности времени, допустимого для ознакомления с материалами уголовных дел // URL: <https://pravo163.ru/rekomendacii-dlya-advokatov-oprodolzhitelnosti-vremeni-dopustimogo-dlya-oznakomleniya-smaterialami-ugolovnyx-del/> (мурожаат вақти: 11.01.2024).

10. Чориева Д.М. Ишни судга кадар юритишда химоячи ҳуқуқларини кенгайтириш масалалари: Юрид.фан.бўйича фал-а д-ри (PhD) дисс. Автореферати – Т., 2021. – Б. 8.
11. Тўлаганова Г.З., Базаров С.Р. Жиноят ишларида адвокатнинг иштироки: Ўқув – қўлланма. – Т., 2009. – Б.37.
12. [Strafgesetzbuch \(Deutschland\)](http://www.gesetze-im-internet.de/stgb/index.html) (Германия Жиноят кодекси, немис тилида) // URL: <http://www.gesetze-im-internet.de/stgb/index.html> (мурожаат вақти: 14.01.2024).
13. Strafprozeßordnung (Германия Жиноят процессуал кодекси, немис тилида) // URL: <https://dejure.org/gesetze/StPO> (мурожаат вақти: 14.01.2024).
14. Габриэлэ Р. [Введение в немецкое уголовно-процессуальное право. Учебное пособие](#) (нем. рус.) // Юридический институт КГУ. – 2001. – С. 135.
15. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Беларусь от 16 июля 1999 года № 295-З (с изменениями и дополнениями по состоянию на 26.05.2021 г.) // URL: https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=30414958 (мурожаат вақти: 14.12.2024).
16. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Молдова от 14 марта 2003 года № 122-XV. // URL: http://continent-online.com/Document/?doc_id=30397729#pos=1011;-50/ (мурожаат вақти: 13.07.2024).
17. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Армения. // URL: <http://docs.cntd.ru/document/901802257/> (мурожаат вақти: 13.07.2024).
18. Kriminaalmenetluse seadustik // URL: <https://estlex.ee/?id=76&aktid=54036> (мурожаат вақти: 13.06.2024).
19. Уголовно-процессуальный кодекс Азербайджанской Республики (По состоянию на 09.07.2021 г.). // URL: http://continent-online.com/Document/?doc_id=30420280#pos=379;-144 (мурожаат вақти: 25.01.2024).
20. O'zbekistonda 2021 yilda 9759 nafar xotin-qiz tomonidan 9 053 ta jinoyat sodir etilgan // URL: <https://uzreport.news/society/ozbekistonda-2021-yilda-9-759-nafar-xotin-qiz-tomonidan-9-053-ta-jinoyat-sodir-etilgan> (мурожаат вақти: 25.01.2024).
21. Слинько Т.Н. Конституционный Суд Украины в механизме обеспечения основных прав и свобод человека и гражданина // URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/konstitutsionnyy-sud-ukrainy-v-mehanizme-obespecheniya-osnovnyh-prav-i-svobod-cheloveka-i-grazhdanina> (мурожаат вақти: 28.02.2024).
22. О.Д. Алланазаров. Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилиш методикасини такомиллаштириш. Юрид.фан.бўйича фал-а д-ри (PhD) дисс. Автореферати – Т., 2022 й. – Б.22.